

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5220100- 3.15
2018 йил “18” 08



МЕДИА МАКОНДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 220000 - Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши: 5320100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Нурматов А.

– ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.н., доц.

Исомиддинова М.

– ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Ибрагимов Ш.

– ЎзМУ, “Аудиовизуал ва интернет журналистика” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент (*турдош ОТМ*);

Дадахонов А.

– ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Медиа маконда миллий манфаатлар” фани журналистика таълим йўналиши талабалари ўрганиши керак бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни ўзида ифода этади. Глобаллашув жараёни давлатнинг ахборотни назорат қилиш, ахборот хуружларининг олдини олиш ва ёт мафкура таъсирига қарши чора-тадбирлар кўриш вазифасини долзарб масалага айлантирди. Муайян мамлакатнинг оммавий ахборот воситалари мазкур давлат ижтимоий тузумини, миллий манфаатларини ҳимоя қилиши зарур экан, ўша мамлакат миллий ғояси замирига қурилмоғи, уни амалга оширишга интилмоғи зарур. Бу ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий манфаатларни ҳимоялашга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам катта бўлиб бораётганини кўрсатади. “Медиа маконда миллий манфаатлар” фани доирасида ахборот хуружларига муносиб жавоб бериш, уларнинг моҳиятини жамоатчиликка тўғри тушунтириш орқали фуқаролар, айниқса бўлғуси журналистлар онгида давлат ва миллат манфаатларини ҳар нарсадан устун кўювчи ғоявий иммунитетни шакллантириш, фаол фуқаролик позициясини илмий, оқилона шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим маънавий-маърифий таянч бўлиб хизмат қилиши ҳақидаги билимлар берилади.

II. Ўқув фанининг мақсад ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад - халқаро журналистика соҳасида миллий манфаатлар ҳимояси юзасидан мавжуд билимларни ўргатиш ва уларни амалиётда қўллаш. Шунингдек, миллий ғоянинг медиа макондаги ўрни бўйича талабаларга муайян илмий ва амалий кўникмалар ҳосил қилишдир.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- жаҳон медиа макондаги ўзгаришларнинг миллий манфаатларга таъсирини;
 - мамлакатимизда барча ўзгаришлар, ислохотлар, ривожланишлар аҳамиятини;
 - уюштирилаётган ахборот хуружлари моҳиятини;
- халқаро журналистиканинг етакчи тамойилларини белгилашда ва журналистика самарадорлигини таъминлашда муҳим ўринга эга эканлигини тушунтириб беришдир. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**
- “Медиа маконда миллий манфаатлар” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:
 - мустақил Ўзбекистон ОАВнинг мазмуни ва мафкуравий ўзгаришлари;
 - ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва ахборот алмашинуви даврида дунёнинг мафкуравий манзараси;
 - миллий истиқлол мафкураси — Ўзбекистон ОАВ фаолиятининг ғоявий асоси;
 - демократик давлатни барпо этиш, миллатлараро бағрикенгликни таъминлашда Ўзбекистондаги ОАВларининг мафкуравий вазифалари;
 - миллий-маънавий кадриятлар ва уларнинг замонавий ОАВларда талқини;
 - ахборот уруши ва ахборот хавфсизлиги;
 - ОАВда эркинлик ва инсон ҳуқуқлари тушунчалар ҳамда миллий тафаккур хусусиятлари;
 - мустақиллик ва Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон ташқи сиёсати масалалари бўйича таҳлилий ахборот беришда матбуотнинг аҳамияти;

- ОАВ ва унда фаолият кўрсатадиган журналистнинг мафкуравий муносабатлари тўғрисида билимларини оширишда мазкур фаннинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

- таҳлил ва талқинларда журналистиканинг асосий принципларига амал қилишни;

- ахборот алмашинуви, ахборот хуружлари даврида журналистларнинг манбалар билан ишлашда миллат ва халқ манфаатларининг устиворлигини;

- “сохта демократия” тарафдорларининг мақсади ва фаолият йўналишларининг ахборот маконидаги ўрнини англашни;

- халқаро ва миллий ахборот маконида ахборот билан ишлашнинг талаблари ва қонуний асосларини билиши ва фойдалана олиши;

- демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш жараёнида миллийлик ва миллий ўзликнинг ОАВда намоён бўлиши ҳақида;

- ахборот хуружлари ҳамда унинг халқлар турмуш тарзи, онг ва тафаккури, ишонч ва эътиқодига таъсири;

- ғарб “оммавий маданияти”нинг кириб келишида ОАВ асосий қурол эканлиги;

- миллий тафаккур на миллий ахлоқнинг демократик кўринишлари;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонунининг моҳияти хусусида;

- Ўзбекистон журналистикасининг мафкуравий асослари предмети бўйича мутахассислар ва олимларнинг ОАВ да чиқишлари хусусида кўникмаларига эга бўлиши лозим.

- “Медиа маконда миллий манфаатлар”- асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш талаба ўқув режасида мўлжалланган Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар: “Ўзбекистон тарихи”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик”, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Сиёсатшунослик”. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, умумқасбий: “Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи”, “Журналистик ижод маҳорати асослари”, “Жаҳон журналистикаси асослари”фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-мавзу. Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш - Ўзбекистон миллий журналистикасининг бош мафкуравий асоси

Ўзбекистон матбуоти миллий манфаатлари ҳимоячиси бўлишининг моҳиятини тушуниш. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг бир субъекти сифатида дунёга чиқаётганининг мазмун ва аҳамиятини англаш, мамлакат ОАВларининг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ишига муносиб ҳиссасини қўшиш зарурлигини теран ва холисона англашти.

2-мавзу. Демократик жамият қуришда мустақил Ўзбекистон матбуоти ўз назариясига эга бўлишининг аҳамияти. Дунё матбуоти назарияларининг ўзига хослиги

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топган кунидан бошлаб демократик, ҳуқуқий давлат қуриш учун мўлжал олиши ва бу йўлда ўзига хос ва мос йўлни танлашининг моҳияти. “Ўзбек модели”нинг юзага келиши. Жамиятни тобора демократлаштириш йўлидан бориш мақсадида амалга оширилаётган сиёсий

ислохотларни ОАВларнинг тўғри ва теран ёритиб беришининг аҳамияти. Мустақил юрт матбуотининг ўз назариясига эга бўлиши аҳамияти. Дунё матбуоти назарияларининг ўзига хослиги. Уларнинг муайян давлатлар иқтисодий ривожланиши билан боғлиқлиги.

3-мавзу. Глобаллашув жараёнларида дунёнинг мафкуравий манзараси. Ахборот хуружлари ва уларга қарши курашининг аҳамияти

Жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашуви. Ахборот алмашинуви даврида дунёнинг мафкуравий манзараси. Ахборот хуружлари ҳамда унинг халқлар турмуш тарзи, онг ва тафаккури, ишонч ва эътиқодига таъсири. Уюштирилаётган ҳар хил ахборот хуружлари даврида ахборот манбаларига эътибор қаратиш, кўзланган асл мақсадни кўрсатиб, фoш этиш, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принципларига таянган ҳолда уларга муносиб жавоб бериш миллий журналистикамизнинг бош мафкуравий асосини ташкил этишини далиллар билан аниқлаш. Ўзбекистон ҳақида айрим давлатларнинг мафкурачилари, сохта демократлар, диний-экстремистик гуруҳлар томонидан бузиб талқин қилишларига қарши миллий журналистикамизда муносиб жавоб беришнинг аҳамияти. Глобал дунёда ОАВларнинг жамият аъзолари онгини шакллантиришда ўзига хос иштироки. Шундай шароитда журналистиканинг миллий ўзига хослигини сақлаб қолишнинг аҳамияти.

4-мавзу. Жамиятда юксак маънавиятга эришиш учун кураш – Ўзбекистон журналистикасининг мафкуравий вазифаси

Жамият барқарорлигида миллий ғоянинг аҳамияти. Ахборот асри даврида четдан кириб келаётган турли ғоявий, мафкуравий оқимларга қарши туриш. Антропоцентризм, Европацентризм туғдирган салбий ҳодисалар. Жаҳолат ва диний-экстремистик гуруҳлар ва улар ақидаларининг инсониятга хавфи. ОАВда ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг аҳамияти. Ҳозирги замон шароитида юксак маънавиятни эгаллашнинг муҳимлиги. Миллий тафаккур ва миллий ахлоқнинг демократик кўринишлари. Бунда ОАВларнинг зиммасига юкланадиган вазифа.

5-мавзу. Тарихий ва миллий қадриятларни ёритиш – Ўзбекистон миллий журналистикасининг муҳим мафкуравий асоси сифатида

Глобаллашув жараёнида миллий қадриятларга бўлган муносабат. Умуминсоний ва миллий қадриятларнинг мувозанати ва уларни уйғунлаштиришнинг аҳамияти. Асрлар давомида сақланиб келаётган тарихий ва миллий қадриятларни оқилона ва илмий тарғиб қилиш миллий ўзликни сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан бири сифатида. Бунда ОАВларнинг ўрни ва роли.

6-мавзу. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида Ўзбекистон журналистикасининг мафкуравий вазифаси

Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги тушунчаси. Сохта ва чинакам эркинлик. Эркинлик билан анархия (бошбошдоқлик)нинг фарқи. Жамият тузилиши ва унда ОАВ эркинлигига ажратилган ўрин. Жамият билан ОАВ эркинлигининг мос келиши, уйғунлиги масаласи. Жамиятда қонун устиворлигини таъминлаш. Ҳар бир фуқаронинг ўзидаги бор истеъдодни юзага чиқариши учун жамият барча имкониятларни яратиб бериши. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояси ва бунинг

моҳияти. Инсон ҳуқуқлари ва бурчларининг моҳияти. ОАВнинг бу соҳадаги вазифаси ва роли.

7-мавзу. Ёш авлоднинг баркамол бўлиб шаклланиши учун давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат ва ОАВнинг вазифалари

Ҳар қандай жамиятда “ёшлар” масаласининг ҳал этилиши. Ёшларни буюк аждодларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш асосида уларда маънавий юксак хислатларни қарор топтириш. Ёшларда четдан кириб келаётган турли ёт ғоялар (омма маданияти, диний-экстремистик ғоялар ва ҳ.к.)дан ҳимоя қилиш иммунитетини ҳосил қилиш. Мамлакатимизда баркамол ёш авлодни шакллантиришга мўлжалланган дастурларнинг аҳамияти. Ёшларнинг турли эҳтиёжларини, биринчи галда иш билан бандлик муаммосини ҳал этишда ОАВларнинг ўрни ва роли.

8-мавзу. Жамиятда демократик тамойилларнинг қарор топиши, тараққиётнинг миллий модели – давлат, давлат раҳбари ва халқ имижини шаклланишининг муҳим омили

Миллий мафкурада демократия тушунчасининг ўзаро муносабати. Демократия — юксак маърифат ва маданийлашган жамият шакли эканлиги. Миллий мафкура — миллатни демократияга, адолат ва эркинликка тайёрловчи, сафарбар этувчи омил. Миллий мафкурава (плюрализм) фикрлар хилма-хиллиги. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» (И.Каримов) ғоясининг моҳияти. «Демократия» ниқоби остида миллий мафкурага ёт ғояларни киритишга уринишларнинг туб моҳияти ва сабаблари.

«Миллатлараро тотувлик», «миллий ва диний бағрикенглик» тушунчаларининг маъно-мазмуни. Миллий бағрикенглик ва миллий манфаат уйғунлиги. Миллий бағрикенгликнинг миллий хусусиятларни ҳисобга олишда намоём бўлиши. Диний бағрикенгликнинг динлараро муносабатда намоён бўлиши. Уларнинг миллий мафкуранинг муҳим жиҳати эканлиги ва аҳамияти.

9-мавзу. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш учун интилиш – миллий журналистикамиз мафкуравий асосларининг муҳим қисми сифатида

Ўзбекистон хавфсизлиги ҳамда барқарорлигига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар ҳорижий ОАВларда баён этилиши; диний экстремизм, эски империявий тузумни қайта тиклаш, давлатимиз тарихини сохталаштириш, миллий ва умуминсоний бунёдкор ғояларга зид бўлган зарарли ғояларнинг халқимиз турмуш тарзи ва ёшларнинг онгига киритишга бўлаётган уринишлар. Эркинлик ва инсон ҳуқуқлари тушунчаларини «демократия ниқоби» остида талқин этишни миллий тафаккур тарзи хусусиятларига, демократик кадриятларга зидлиги. Уларнинг хавфсизлик ва барқарорликка салбий таъсирлари. Мафкуравий таҳдидни кучайтиришда айрим халқаро хорижий марказлар ва гуруҳларнинг номаърифий ёндашувлари. Миллий-маънавий кадриятларни ҳисобга олмаслик мафкуравий тажовузкорликнинг ўзига хос кўриниши эканлиги.

10-мавзу. Медиамайдонда давлатчилик ва унга раҳнамолик ҳақидаги замонавий қарашлар силсиласининг акс этиши муаммолари

ОАВ ва унда фаолият кўрсатадиган журналистнинг мафкуравий муносабатлари тўғрисида билимларини оширишда мазкур фаннинг ўрни ва аҳамияти. Мустақиллик ва Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон

ташқи сиёсати масалалари бўйича таҳлилий ахборот беришда матбуотнинг аҳамияти. Ўзбекистон журналистикасининг мафкуравий асослари муаммоларига ихтисослашган ОАВ муаллифлари малакасини ошириш. Таҳлилий журналистикада мафкуравий асослари. "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон журналистикасининг мафкуравий асослари предмети бўйича мутахасислар ва олимларнинг ОАВ да чиқишлари.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

1. Глобаллашув ва кучли ахборот алмашинуви шароитида миллий журналистиканинг мафкуравий вазифаси.
2. Демократик ва фуқаролик жамияти барпо этишда миллий журналистиканинг ўрни ва роли.
3. ОАВ эркинлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўллари ва принциплари. Бу жараёнда ОАВ вазифалари.
4. Ахборот хуружлари даврида журналистнинг манбалар устида ишлашининг ўзига хосликлари, булар юзасидан қўйиладиган талаблар.
5. "Сохта демократия" тарафдорларининг мақсади ва фаолият йўналишларининг ахборот маконидаги ўрнини англаш ва таҳлил қилиш.
6. ОАВ таъсиридаги ғоявий курашлар. Халқаро воқеаларни кузатиш ва унда бўлғуси журналистларнинг нуқтаи назари.
7. Ғарб "омма маданияти"нинг моҳияти ва ундан ёш авлодни ҳимоя қилиш усул ва йўллари. Бу борада ОАВ вазифаси.
8. Халқаро воқеаларни таҳлил ва талқин қилишда журналистиканинг асосий принципларига риоя этиш.
9. Халқаро миллий ахборот маконида ишлашнинг талаблари ва ҳуқуқий асослари.
10. Ахборот маконида фаолият юритишда журналистнинг касб этикасига амал қилиши.
11. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва миллий ғоя
12. Медиамайдонда давлатчилик ва унга раҳнамолик ҳақидаги замонавий қарашлар силсиласининг акс этиши муаммолари

Мавзу бўйича тавсия этилган адабиёт ва манбаларни ўқиш. Таълим жараёни, маъруза ва семинарларга тайёргарлик кўриш, топшириқлар асосида махсус кузатувлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда ақлий ва амалий жараённи ташкил этиш юзасидан тегишли билим ва кўникмага эга бўлиш.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Миллий журналистиканинг мафкуравий асоси қандай назарий негизга қурилмоғи керак?
- Миллий журналистиканинг мафкуравий асослари нималардан иборат ва улар қандай намоён бўлади.
- Глобаллашув жараёни миллий журналистикага қандай таъсир кўрсатмоқда? Уни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишнинг самарали йўллари нималардан иборат?
- Ахборот хуружлари нима, уларга қарши миллий журналистика қай тарзда қарши турмоғи лозим?

- Муайян мамлакат аҳолисини четдан кирадиган ёт ғоявий таъсирлардан ҳимояда ОАВнинг ўрни.
- Ғарб “омма маданияти” ғоясидан ёш авлодни ҳимоя қилишнинг ОАВда қўлланадиган самарали усул ва йўллари.
- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий журналистика зиммасига тушадиган вазифалар.
- Демократик тамойилларни кучайтиришда миллий журналистика-нинг ўрни ва роли.
- ОАВ эркинлигини таъминлаш масаласининг миллий журналистикада ифода этиши.
- Фуқаролик жамияти барпо этишда миллий журналистиканинг роли.
- Ўзбекистон – миллатлараро тотувлик, бағрикенглик мамлакати
- Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва миллий ғоя
- Медиа майдонда миллий манфаатлар тушунчасига эга бўлиш
- Мамлакатнинг халқаро имижини яратишда журналистик жанр, тил ва тасвир маҳорати билан боғлиқ адабиётларни ўргани
- Чет эл медиа тармоқларида Ўзбекистонда кечаётган ислохотларга муносабатларнинг таҳлил қилиш кўникмасини ўзлаштириш каби мавзулар тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Аминова Д. Ўзбекистон миллий журналистикасининг мафкуравий асослари. – Т.: Турон-Иқбол, 2014.
2. Дўстмухамедов Х. Журналистнинг касб одоби. – Т.: Янги аср авлоди, 2007.
3. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик. – Т.: Ғ. Ғулом НИБ. 2009.
4. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. Саидов Ҳ. Матбуот миллий манфаатлар ҳимоячиси. – Т.: Маънавият, 2008.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
5. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Т.: Маънавият, 2009.
6. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин десангиз. – Т.: Маънавият, 2013.
7. Умиров С. Маънавият мулкига саёҳат. – Т.: Ўзбекистон, 2013

Интернет сайтлари

1. www.gov.uz
2. www.lex.uz